

УДК 316; 911.3

*Мухитдинов И. И.*

*Фаргона давлат университети  
география кафедраси докторанти*

## **ЖИНОЯТЧИЛИК ГЕОГРАФИЯСИ: ШАКИЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ФАНЛАРАРО МОҲИЯТИ**

**Аннотация:** Мақолада жиноятчилик географиясининг шакилланиши, ривожланиш тарихи, бошқа фанлар билан алоқадорлиги, мазкур илмий йўналишни тадқиқ этган юртимиз ва хорижий олимлар ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, жиноятчилик географияси, криминология, аҳоли зичлиги, урбанизация, бандлик, ижтимоий география.

*Mukhitdinov I. I.*

*Fergana State University*

*PhD student of the Department of Geography*

## **GEOGRAPHY OF CRIME: HISTORY OF FORMATION AND INTERDISCIPLINARY ESSENCE**

**Annotation:** The article analyzes the formation of the geography of crime, the history of its development, its connection with other sciences, the scientists who contributed to the development of this field in our country and all over the world.

**Key words:** crime, the geography of crime, criminology, population, social geography, society.

**Кириш.** *Мақола мавзусининг долзарблиги.* Жиноят жамият ҳаётидаги энг аянчли ҳодисалардан бири бўлиб, у аҳоли ҳаётининг фаолиятининг барча жабҳаларига таъсир қилади, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, моддий фаровонлиги билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаёт тарзида из қолдиради. Ҳозирги вақтда жиноятчилик жаҳон урушлари ва юзага келиши мумкин бўлган глобал офатлар билан бир қаторда инсоният учун асосий таҳдидга айланган. Бу жиноятчиликнинг интенсив ривожланиши

билан боғлиқ. Бундан юз йиллар муқаддам жиноятчиликнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатларидан анча юқори эканлиги аниқланган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, жиноятчилик йилига ўртача 5 фоизга, аҳоли сони эса 1-1,2 фоизга ошади [1] бу эса жиноятчилик соҳасига кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини тақозо этади. География фани ривожланишининг ҳозирги босқичида ижтимоий блокга ва унинг ичида - энг истиқболли йўналишлардан бири - жиноятчилик географиясига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Жиноят географияси ўрганадиган масалалар бугун етарлича долзарбдир, бу мамлакатдаги крименоген вазиятнинг ҳудудий ҳолати, ўлим билан тугайдиган жиноятларининг кучайиши билан боғлиқ. Халқаро жиноий гуруҳларни пайдо бўлиши, тез суратлар билан жиноятчиликнинг ўсиши, янги турдаги жиноятларнинг (кибержиноятларни) тез ривожланиши бутун ер юзидаги давлатларда асосий муаммо бўлиб келмоқда.

**Асосий қисм.** *Жиноят* - жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш. Муайян қилмишни жиноят деб ҳисоблаш масаласи ҳар бир давлатда ўзининг ижтимоий тузуми, аҳолининг турмуш тарзи, миллий хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналарига мувофиқ халқаро ҳуқуқ меъёрлари эътиборга олинган ҳолда ҳал этилади.

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган;
- унча оғир бўлмаган;
- оғир;
- ўта оғир жиноятларга бўлинади [6].

Жиноятлар тажовуз объектига кўра, шахсга қарши жиноят, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноят, давлат ҳокимиятига қарши жиноят, экология соҳасидаги

жиноят, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятга бўлинади.

В.В. Лунев [4] фикрига кўра жиноят географиясини жинойий жазога тортиладиган қилмишларнинг замон тақсимоотида (даражаси, тузилиши, динамикаси) ўрни беқиёс, чунки дунёнинг турли минтақалари, турли мамлакатлар ёки бир мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бирликларининг ўзига хос хусусиятлари билан, сони билан, ўрганилаётган ҳудудларда аҳолининг тузилиши ва жойлашиши, одамлар ҳаётини ташкил этишнинг ўзига хос шакллари, уларнинг меҳнат тақсимооти, турмуш даражаси, дам олиш шароитлари, маданияти, миллий анъаналари ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ [3].

*Жиноятчилик географияси* бир қатор фанлар ва биринчи навбатда ижтимоий география ва криминология ўртасида жойлашган. Жиноятнинг содир бўлиши ва унинг оқибатларини, жиноятчиликни олдини олувчи ҳаракатлар ҳамда жиноят содир этган кишиларнинг шахсини криминология фани ўрганиб чиқса, жиноятнинг ҳудудий тарқалиши ва табақаланиши, жиноятчиликка таъсир этувчи урбанизация, миграция, бандлик, аҳоли сони ва зичлиги каби омиллар жиноятчилик географиясига таллуқлидир.

Жиноятчиликни тадқиқ этиш дастлаб XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди ва криминология номини олди [6]. *Криминология* сўзи лотинча «сримен» - жиноят, юнонча «логос» - таълимот, яъни «жиноятчилик ҳақидаги таълимот» деган маънони англатади. Бунда жиноят тушунчаси аниқ бир жиноятни эмас, балки умуман жиноятчиликни назардатулади. Айрим вақтларда криминология фанини жиноят социологияси, жиноят биологияси деб ҳам аташган. Географлар эса жиноятнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганадилар. Бироқ, жиноятни географик ўрганишни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, географлар бу муаммо билан асосий криминологияда жуда кам даражада шуғулланган. Бу эса жиноят

географиясининг илмий йўналиш сифатидаги имкониятларини моҳиятан қашшоқлаштиради ва унинг ривожланишини маълум даражада секинлаштиради. Криминологлар томонидан таклиф қилинган жиноят географиясининг таърифлари аллақачон кўплаб саволларни туғдирмоқда.

Криминологлар томонидан ёзилган жиноятчилик географиясига оид асарларнинг аксарияти статистиканинг математик таҳлиliga тўғри келади. Улар жиноятнинг географик омилларини очиб бермайди, мазмунли географик талқин, картографик асос йўқ. Криминологлар ишида (мутлақо объектив) криминологик жиҳатдан ижтимоий-географик (криминологик детерминизм) сезиларли даражада устунлик қилади. Шунга қарамай, ҳозирги кунга қадар жиноят географиясининг шаклланиши ва ривожланишида айнан криминологлар ҳал қилувчи рол ўйнаган. Мамлакатимизда нашр этилган илмий асарлар таҳлили шуни кўрсатдики, криминологлар томонидан ёзилган ҳар 100 га яқин асардан фақатгина биттаси географлар томонидан ёзилган. Жиноятчилик географиясининг ривожланишига социологлар катта ҳисса қўшдилар. Ижтимоий-географик блокнинг кўпгина тармоқлари каби жиноят географияси ҳам чет элда пайдо бўлган. Биринчи криминал-географик тадқиқотлар 1833-1835 йилларда олиб борилган Француз криминологи А.М. Герпи ва бельгиялик социолог А.Ж. Куэтлетлар томонидан [2]. 1825-йилдан 1830-йилгача бўлган давр учун тўпланган жинойий-статистик материалларни таҳлил қилиб, Кветлет Францияда жиноятларни ҳудудий тарқалиш харитасини яратди. Франциянинг айрим ҳудудларидаги жиноятлар интенсивлигидаги фарқларни у аҳоли зичлигининг тенг эмаслиги, турмуш даражаси ва халқ таълимидаги фарқ билан боғлаган [1]. Криминал-экологик мактабга 1920-1930 йилларда америкалик криминологлар К.Шоу ва Г.Маккейлар асос солган. Улар Чикагони криминогенлик ёки антикриминогенлик, шунингдек, қурбоногенлик даражаси бўйича бир нечта зоналарга бўлган

концентрация доиралари назарияси муаллифлари эди [1]. Кейинчалик жиноят географияси ва топографияси масалалари билан Т.Моррис, Г.Фелис, Р.Уайт, К.Шмид, К.Лауте, Б.Лендер, С.Квинсли [1] ва бошқа чет эл олимлари шуғулландилар, хилма-хил табиий шароитлар ва ресурслар, аҳолининг тақсимланишида сезиларли ҳудудий табақаланиш, ҳудудларнинг турли хил ижтимоий-иқтисодий салоҳияти жиноятчилик нуқтаи назаридан ноаниқликдан узоқдир деган ғояни илгари шуришган.

Мамлакатимизда жиноятчилик географияси нисбатан ёш ривожланаётган йўналишлардан ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, асосий таркибий қисмлар - ижтимоий география ва криминология узоқ вақт давомида мустақил илмий соҳалар бўлмаган. Криминология мустақил фан сифатида 1960-йиллардан кейин шакллана бошлади. Юртимизда жиноятчиликнинг географик жиҳатларига оид илмий асарлар ва тадқиқодлар жуда кам олиб борилган. Унинг асосий сабаби у фақат ҳодиса сифатида баҳоланган лекин унинг ҳудудий жиҳатлари мавжудлиги эътибордан четта қолган. Юртимизда дастлабки илмий мақолалар А.Солиев томонидан эълон қилинган. А.Қаюмов томонидан “Ўзбекистонда жиноятчиликнинг ижтимоий географик жиҳатлари” мавусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ушбу дисертацияда жиноятчиликни географик жиҳатдан ўрганишнинг мазмун ва моҳиятини очиб берилган, унинг замонавий ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини аниқланган, жиноятчиликнинг турлари ва унинг ҳудудларга хос жиҳатлари асосланган, жиноятчиликнинг ижтимоий-демографик таркибини тадқиқ этилган, аҳоли сони, жойланиши ва миграцион ҳаракатининг жиноий фаолиятга таъсири таҳлил қилинган, жиноятчиликнинг реал ҳолатини махсус ижтимоий - демографик сўровнома ёрдамида ўрганилган, геокриминоген вазиятни яхшилашнинг устувор йўналишларини белгиланган [5].

Дунё миқёсида 1980-йиллар охирида жиноятчилик географияси бўйича йирик асарлар пайдо бўлди. Шу вақтдан бошлаб жиноятчилик географияси ижтимоий географиянинг алоҳида соҳаси эканлиги асосланди. Бир нечта қонуниятлар, тадқиқод йўналишлари белгиланди, соҳа европа мамлакатлари ичида кенг тадқиқ этила бошланди айниқса Франция, Италия, Бельгия, Буюк Британия ва Россия каби мамлакатларда жиноятчилик ҳолатини ҳудудий тадқиқ этиш ва унинг хариталарини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Улар ичида Италиялик (Чезаре Беккария, Р.Гарофало) Россиялик олимлар (А.Алимов, А.Бадов, М.Бабаев, А.Сахаров, А.Сиров) Эстониялик Э.Раска каби олимларнинг ҳизматлари катта бўлган [3].

Жиноят географияси соҳасидаги энг муҳим ютуқ М.Н. Гернет Криминология ёрдамида жиноятни ўрганишга ҳаракат қилиб, у асосан ўз даврида қолганлардан анча олдинда эди ва аслида геокриминология ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлади. Ушбу туркумда М.Н. Гернет “Жиноят ва камбағаллар турар жойлари (1903), Жиноятнинг ижтимоий омиллари (1905), Жиноят ҳуқуқи фанидаги социологик тенденция (1906), “Бола қотиллиги: Социологик ва ҳуқуқий тадқиқотлар” (1911), “Москва ер ости дунёси” (1924), “Напкотизм, жиноят ва жиноят ҳуқуқи” (1924), “Россияда ўз жонига қасд қилиш статистикаси” (1927) [3]. 1920-1950 йиллардаги асарларда жиноят географияси муаммолари кўтарилган, А.А. Гепзензон, А.А. Жижиленко, М.М. Исаева, П.И. Лублин А.А. Пионтковский, М.Д. Шаргородский, Э.Г. Ширвиндт, Б.С. Утевский, А.С. Шляпочникова, А.Й. Эстрина ва бошқалар. Шундай қилиб, А.А. Жижиленкокчитал, криминогенлик куйидаги омиллар билан белгилади: атроф-муҳит, индивидуал хусусиятлар, ижтимоий муҳит шароитлари. М.Н. Гернет ижтимоий омилларни энг муҳим деб ҳисоблаган [3]. Юқорида қайт этилган илмий манбалар жиноят географиясининг шаклланишида, унинг

ривожланишида, асосий қонуниятлари яратилишида асосий вазифани бажариб берди, шу билан жиноят географиясига асос солинди.

Тадқиқот ишининг *хулосаси* ўрнида шуни такидлаш керакки, жиноятчиликни географик нуқтаи назардан ўрганиш ва жиноятчилик географиясининг шаклланиши дастлаб европа минтақасида шаклланиб кейинчалик ривожланган бўлса hozирги вақтда ер юзининг барча минтақаларида жиноятчилик географиясини ривожлантириш устида соҳага оид олимлар томонидан улкан кўламдаги ишлар олиб борилмоқда, бу эса мазкур йўналишнинг нақадар аҳамиятли эканлигини англатади. Юртимизда ёш йўналишлардан бўлган жиноятчилик географияси (Социал-итисодий янги географиянинг ноанъанавий йўналиши) жуда кам ўрганилган бўлиб уни тадбиқ этиш ҳар томонлама аҳамиятли чунки ҳудудлардаги турли хил ўзига хос жиноятларни олдини олиш ва барча инсонларнинг фаровон яшашлари учун хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Вопросы профилактики правонарушений в особо крупном городе. По итогам анализа и обобщения практики-планирования борьбы с преступностью в одном из особо крупных городов РСФСР: Сб. статей.- М., 2011. С. 33-36

2. Бадов А.Д. Некоторые проблемы географии преступности России// Русского географического общества. № 8. - М.: ВНЦ, Изд-во СОГУ, 2006. С. 28-34.

3. Бадов А.Д. География преступности в России. Диссертация. - Владикавказ, 2010, С. 55-59.

4. Лунеев В.В. Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции. Москва 2005

5. Қаюмов А.А Ўзбекистонда жиноятчиликнинг ижтимоий географик жиҳатлари. География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси афтореферати. –Т., 2006

6. Комилова Н.Қ ва бошқалар. Социал ва маданий география дарслик.- Тошкент., 2020. - 256 б

7. Абдурасулова Қ.Р Криминология дарслик.- Тошкент., 2007. - 214 б